





НИГОХ

# ТАБИАТ ТАҲДИДИ ВА ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАР

бир-бирига таъсир ўтказувчи омиллар бўлиб, бу табиий боғлиқлик янги ГЭСларни лойиҳалаштиришда, албатта, ҳисобга олиниши керак


Инсоният XXI асрга жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатлари бобида хилма-хил маҳаллий, минтакавий ва глобал қарама-қарши фикрлар, афрод табиий муҳитда инсон фаолияти таъсириндаги ноҳус ўзгаришлар кучайиб бораётган бир шароитда қадам қўйди. Ер юзи аҳолиси тез кўпайиб, моддий ишлаб чиқаришни интенсификациялаш кенгайиб, инсон ва афрод табиат ўртасидаги ўзаро муносабатлар чуқурлашиб бораётган бугунги вазиятда табиат инъомларидан экологик мақбул тарзда фойдаланиш биринчи даражада муҳим вазифа эканлиги ўз-ўзидан аён.

БМТнинг 1992 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида афрод муҳит ва тараққиёт мавзусида ўтказилган навбатдаги конференцияси инсоний аъналар моделлар асосида яшай олмагани, "барқарор ривожланиш модели"га ўтиш зарурлиги тўғрисидаги ҳулосани илгари сурган эди. Табиий офатлар туфайли иқтисодий-иқтисодий йўқотишларнинг кўпайиб бораётгани алоҳида мамлакатда ҳам, минтақа ва халқроқ даражада ҳам барқарор ривожланишга жиддий тўсиқ бўлмоқда. БМТ маълумотларига қараганда, 1980-2005 йиллар оралиғида дунёда 7 мингдан зиёд табиий офат юз бериб, кўп одамларнинг ёстиғини қуритди ва бир триллион доллардан зиёд иқтисодий зарар етказди.

Техноген авария ва фалокатлар оқибатидаги иқтисодий йўқотишлар ҳам кўпайиб, шу билан бир вақтда дунёнинг турли минтақаларида экологик вазият ҳам мушкуллашиб бораётган. ХХ асрдаги йирит табиий офатларнинг 42 фоизи эндоген жараёнлар, 41 фоизи сув тошқинлари, 16 фоизи бурон ва қолган бир фоизи бошқа турдаги офатларга тўғри келади.

Илмий билим ва технология таракқиётга қарамай, табиий ва техноген фалокатлар келтирилган зарарлар йилгига тахминан 6 фоиз ўсиб бораётган. 1965-1992 йиллар оралиғида юз берган фалокат табиий ҳодисалар сабабли дунё бўйича 6 миллионга яқин одам бевақт ўлим топди, 3 миллиард киши жабрланди, умумий иқтисодий зарар 340 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди.

Таъкидлаш жоизки, табиий офат ва техноген фалокатлар турли мамлакат, минтақа ва иқтисодий гуруҳларга турлича таъсир кўрсатади. БМТнинг инсонпарварлик ма-



салалари бўйича департаменти берган баҳога қараганда, ривожланаётган мамлакатларда табиий офат қурбонлари ривожланган мамлакатлардаги нисбатан икки баравар юқори. Масалан, тенг кучга эга бўлган зилзила Перуда Япониядаги нисбатан 50 баравар кўп "одам ўлдиради". 1960-1980 йиллар давомида ўртача статистик маълумотларга қўра, ер силкинишлари Японияда 63, Перуда эса 2900 кишининг умрига зомин бўлди. Бир хил табиий фалокатлар келтирган умумий иқтисодий зарар ривожланаётган мамлакатларда Фарб давлатлари ва Япониядаги нисбатан 20-30 баравар кўп.

1994 йилги иқтисодий тараққиёт бўйича маъруза (БМТ Тараққиёт дастури йиллик наشري)да шундай дейилади: "Табиий офатлар ривожланаётган мамлакатларда камбағаллик муаммосининг ажралмас қисми ҳисобланади. Камбағаллик фалокатларни келтириб чиқаради ва бу фалокатлар ўз навбатида камбағалликни янада чуқурлаштирилади. Фақат мувофиқлаштирилган барқарор тараққиётни фалокатларнинг тақдорларини ва таъсир-оқибатларини пасайтиришга қодирдир".

Геологик тузилиш ва иқлим шароитларига бошқа минтақаларга нисбатан кўпроқ боғлиқ бўлган Марказий Осиё азал-азалдан табиий офатларга маҳкум. Минтақа ХХ ва ХХI асрлар алмасиш чоғида аввалгидек, зилзила, сакроллашув, эрозия каби табиат ҳодисаларига дуч келмоқда. Ер озагининг янги техника билан боғлиқ ўзгаришлари ҳам жамиятнинг барқарор ривожланишига жиддий ҳавф солмоқда. Кўпбал олимларнинг фикрига қўра, неотектоник ҳаракат фаолияти аста-секин кучайиб

бораётган. Ўрта Осиёнинг энг кўп зилзилалар бўлиб турадиган минтақалари Тожикистон ҳудудига тўғри келади. Жанубий ва Шимолий Помир, Жанубий Тяньшань, сергизлила Хиндикуш минтақаси Тожикистон ҳудудига. У қадар катта бўлмаган республика ҳудудига дахшатли зилзила ўчоқлари жойлашган. Бу ердаги барча ер силкинишларини қайд этиб бориш тизими 1895 йилдаёқ яратилган.

Жанубий Тожикистон (Вахш) энг ҳавфли, биринчи даражада (9 балли) зилзила минтақасига киритилган. Унинг шимол ва жанубида 8 ва 7 балли зилзилалар минтақаси жойлашган.

Вахш vodiёсининг жанубида, Қоратегин тоғ тизмалари қўйиллашвидаги кўплаб ер силкинишларининг энг кучлиси бўлган Ҳайт зилзиласи ҳақиқатан ҳам дахшатли фожиа бўлди. 1949 йил 8 июлдаги 7-8 балли, 20 июлдаги 9-10 балли зилзиланинг маркази Ҳайт қишлоғига тўғри келди. Эпицентрдан бошланган кучли ер силкиниши кўплаб аҳоли пунктларини тўтади тўкиб ташлади. Зилзила жараёнида йирик ўқонлар ҳосил бўлди, қўчкилар юз берди, қўлгина қишлоқлар бутунлай вайрон бўлди. Ҳайт қишлоғи эса қўчки остида қолди.

Роғун ГЭСи қурилиши бошланган жой Марказий Осиёдаги энг тектоник фаол минтақалардан. Бинобарин, табиий муҳитга ҳар қандай аралашувдан аввал шу ҳолатлар албатта ҳисобга олиниши керак. Акс ҳолда минтақада катта экологик фожиялар юз бериши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳозиргача Вахш дарёсидеа Бойлазин ва Санттуға ГЭСлари қурилган. Энди Нурек ГЭСига бевосита яқин жойда яна битта йирик – Роғун ГЭСини

қуриш режалаштирилмоқда. Тўғоннинг баландлиги 335 метр бўлиб, қарийб 100 километрга қўзилган сув омборига эга бу янги электр станцияси қурилиб, ишга туширилса, узунлиги 200 километрли улкан денгиз вужудга келади. Табиийки, бундай катта сунъий қурилма табиий муҳитга таъсир қилмай қолмайди. Чунки, бу гидротехник иншоотларнинг ҳаммаси кучли зилзилалар бўлиб турадиган минтақада қурилган.

Тожикистон тоғларидаги сув омборларининг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, уларда жуда кўп лойқа чўкиндилар тез тўпланади. Бу жараён, айниқса, Нурек сув омборида фаол кечади. Чунки, Вахш дарёсининг суви жуда лойқа. Тожик олимлари маълумотларига қараганда, Вахш дарёси йилгига Гари тоғларидан 46,4 миллион тонна лойқани ювиб келтиради.

Чўкмалар ҳосил бўлиши лойқача белгиланган иқтисодий қўрсаткичлар ҳамда сув омборининг хизмат муддати қисқаришига олиб келади. Масалан, Нурек сув омборидаги чўкиндиларнинг қалинлиги ўй йил ичида лойқачаги 9 метр ўрнига 22 метрга етди.

Тажрибалир шунинг қўрсаткичи, гидротехник объектлар қурилишига зўр бериш кўпинча ўзини оқламайди. Гидроузелларнинг хизмат қилиш муддати ҳисоб-китоб қилинганга нисбатан анча қисқа бўлиб қиқади. Ер юзидаги турли тўғонларда ҳар йили мингдан зиёд авариялар юз берса, уларнинг етти-тасидан бири МДХ мамлакатларига тўғри келади.

Фан инсонларни узоқни қўрадиган, олдиндан билгидиган қилди. Унинг ақлу заковати кўплаб аждодлар тажрибаси билан бойиб, мустақамланиб, келажакни лойиҳалаштириш салоҳиятига эга бўлди. Шу пайтгача инсон кўпинча "бузғунчи геологик омин" сифатида ҳаракат қилиб келди. Бирок, у келажакда ҳар бир саъй-ҳаракатда ўтмиш тажриба ва сабоқларидан келиб чиқиб қолди. У гидротехник иншоотларни табиатга зид эмас, балки унинг "табиати"га мос тарзда лойиҳалаш лозимлигини доимо ёдида сақлаши зарур.

**А. ЛИБЕКОВ,**  
Самарқанд давлат университети профессори.  
www.PRESS-UZ.info.

## Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеа ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан ХОАББ "Траст-банк" ҳовлисидеа сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 05.04.2010 йилдаги № 10694-95-сон ижро ҳужжат, асосан 2008 йилда и/ч., дав.бел. 01 062 САА бўлган "ЛАДА 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 13 500 000 сўм. 2. 1. 05.04.2010 йилдаги № 10694-95-сон ижро ҳужжат, асосан 2008 йилда и/ч., дав.бел. 01 053 САА бўлган "ЛАДА 21074-110-30" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 13 500 000 сўм.

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан қўйидагилар қўйилмоқда: 1.19.04.2010 йилдаги № 2-037-10-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Х. Абдуллаев кўчасида жойлашган № 71-сонли гараж, бош. нархи – 1 248

726 сўм. 2. 19.04.2010 йилдаги № 2-037-10-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Қодирова кўчасида жойлашган 3 та яшаш хонасидан иборат бўлган 9-уй, 6-хонадон (уй), бош. нархи – 27 868 736 сўм. 4. 19.04.2010 йилдаги № 2-037-10-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Мўминова кўчасида жойлашган 1 та яшаш хонасидан иборат бўлган 3-уй, 14-хонадон (уй), бош. нархи – 21 063 782 сўм.

Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан қўйидагилар қўйилмоқда: 1.28.03.2008 йилдаги № 11-0824/1102-сон ижро варақасига

асосан Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ниёзбоши кўчасида жойлашган, 1974 йилда қурилган, майдони 992,24 кв.м бўлган таъмирлаш цехи биноси, бош. нархи – 54 495 000 сўм. 2. 28.03.2008 йилдаги № 11-0824/1102-сон ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ниёзбоши кўчасида жойлашган, 1974 йилда қурилган, майдони 150,87 кв.м бўлган омборхона биноси, бош. нархи – 5 850 000 сўм.

Аукцион савдосига Ангрен тумани СИБ томонидан 11.06.2009 йилдаги № 11-0906/8905-сон, 11-0922/8158-сон ва 11-0909/10115-сон суд буйруқларига асосан Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Навой кўчасида жойлашган "Исқиклик манбаи" корхонасига қарашли бўлган "Нижная база" гараж бино ва иншоотлари, бош. нархи – 142 808 438 сўм.

Аукцион савдосига Чиноз тумани СИБ томонидан 2010 йил 23 июнда кучга кирган 2-42/2010-сон ижро варақасига асосан Тошкент тумани, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри МЧЖ "Чиноз оқ той" ва ХК "Vita Sprint" корхоналари ҳовлиларида сақланаётган қўйидаги автотранспорт ва кўчмас мулк воситалари қўйилмоқда:

| №  | Мол-мулк тури                                                                                | Бошланғич нархи (сўм) |
|----|----------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------|
| 1  | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 014 бўлган, 2007 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 2  | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 026 бўлган, 2007 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 3  | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 027 бўлган, 2007 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 4  | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 018 бўлган, 2007 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 5  | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 532 бўлган, 2008 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 6  | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 534 бўлган, 2008 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 7  | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 536 бўлган, 2008 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 8  | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 023 бўлган, 2007 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 9  | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 019 бўлган, 2007 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 10 | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 024 бўлган, 2007 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 11 | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 025 бўлган, 2007 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 12 | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 021 бўлган, 2007 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 13 | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 533 бўлган, 2008 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 14 | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 017 бўлган, 2007 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 15 | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 016 бўлган, 2007 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 16 | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 535 бўлган, 2008 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 17 | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 015 бўлган, 2007 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 18 | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 022 бўлган, 2007 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 19 | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 020 бўлган, 2007 йилда и/ч.     | 45394 142             |
| 20 | Автобус Мидибус SAZ NP-37 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AY 013 бўлган, 2007 йилда и/ч.     | 45 394 142            |
| 21 | Автобус "Мидибус 29.12" русумли, давлат рақами 11 AQ 150 бўлган, 2001 йилда и/ч.             | 27 740 864            |
| 22 | Автобус "Мидибус 24.9 русумли, давлат рақами 11 AJ 901 бўлган, 2002 йилда и/ч.               | 30 262 761            |
| 23 | Автобус "Мидибус 24.9 русумли, давлат рақами 11 AJ 916 бўлган, 2001 йилда и/ч.               | 32 784 658            |
| 24 | Автобус "Мидибус 24.9 русумли, давлат рақами 11 AJ 904 бўлган, 2001 йилда и/ч.               | 32 784 658            |
| 25 | Автобус "Мидибус 24.9 русумли, давлат рақами 11 AQ 282 бўлган, 2001 йилда и/ч.               | 32 784 658            |
| 26 | Бензовоз DLQ 5047 DJU русумли, давлат рақами 10 185 BAA бўлган, 2009 йил и/ч.                | 24 089 760            |
| 27 | Матиз ВДСВВ русумли, давлат рақами 11 AJ 345 бўлган, 2002 йилда и/ч.                         | 4 064 216             |
| 28 | Автобус Мидибус-M23.9 русумли, давлат рақами 11 AQ 156 бўлган, 2001 йилда и/ч.               | 18 180 241            |
| 29 | Автобус Мидибус-M23.9 русумли, давлат рақами 11 AQ 276 бўлган, 2001 йилда и/ч.               | 20 777 418            |
| 30 | Автобус Мидибус-M23.9 русумли, давлат рақами 11 AQ 346 бўлган, 2001 йилда и/ч.               | 25 452 337            |
| 31 | Автобус Мидибус SAZ NP-21 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AV 590 бўлган, 2008 йилда и/ч.     | 47 962 712            |
| 32 | Автобус Мидибус SAZ NP-21 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AV 589 бўлган, 2008 йилда и/ч.     | 49 052 774            |
| 33 | Автобус Мидибус SAZ NP-21 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AV 588 бўлган, 2008 йилда и/ч.     | 47 962 712            |
| 34 | Автобус Мидибус SAZ NP-21 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AV 587 бўлган, 2008 йилда и/ч.     | 47 417 681            |
| 35 | Автобус Мидибус SAZ NP-21 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AV 598 бўлган, 2008 йилда и/ч.     | 49 597 805            |
| 36 | Автобус Мидибус SAZ NP-21 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AV 596 бўлган, 2008 йилда и/ч.     | 48 507 743            |
| 37 | Автобус Мидибус SAZ NP-21 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AV 597 бўлган, 2008 йилда и/ч.     | 47 417 681            |
| 38 | Автобус Мидибус SAZ NP-21 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AV 591 бўлган, 2008 йилда и/ч.     | 47 417 681            |
| 39 | Автобус Мидибус-M23.9 русумли, давлат рақами 11 AQ 152 бўлган, 2001 йилда и/ч.               | 23 374 595            |
| 40 | Автобус Мидибус-M23.9 русумли, давлат рақами 11 AQ 155 бўлган, 2001 йилда и/ч.               | 25 452 337            |
| 41 | Автобус Мидибус SAZ NP-21 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AV 600 бўлган, 2008 йилда и/ч.     | 47 962 712            |
| 42 | Автобус Мидибус SAZ NP-21 ISUZU русумли, давлат рақами 11 AV 599 бўлган, 2008 йилда и/ч.     | 47 962 712            |
| 43 | Самосвал ДФЛ3251А русумли, давлат рақами 11 AV 557 бўлган, 2007 йилда и/ч.                   | 120 474 644           |
| 44 | Самосвал ДФЛ3251А русумли, давлат рақами 11 AV 558 бўлган, 2007 йилда и/ч.                   | 120 474 644           |
| 45 | Самосвал ДФЛ3251А русумли, давлат рақами 10 125 BAA бўлган, 2008 йилда и/ч.                  | 134 648 131           |
| 46 | Водовоз ЧХУНЦЗЕ ХЗЛ5050G99 махсус (цистерна) русли, дав.рак. 10 236 ААА бўлган, 2007 й. и/ч. | 34 449 320            |
| 47 | Автокран ZOOMLION QY30V русумли, давлат рақами 10 124 BAA бўлган, 2008 йилда и/ч.            | 397 213 799           |
| 48 | Экскаватор "JONYANG" русумли, "JYL-210E" модели, давлат рақами йўқ                           | 214 853 891           |

| № | Мол-мулк тури (автомототранспорт воситалари ёки кўчмас мулк)                                                                                                                                                               | Объект жойлашган манзил                    | Бошланғич нархи (сўм) |
|---|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------|-----------------------|
| 1 | "Чиноз Наврўз Барака Сервис" МЧЖга тегишли бўлган Чиноз шаҳри марказида жойлашган "Наврўз" тўйхонаси, комплекс мажмуаси, 2 қаватли, пишган гишдан қурилган, алкобонд билан қопланган, тўлиқ таъмирдан чиқарилган.          | Чиноз шаҳри "Чиноз дехқон бозори" рўпараси | 423 918 150           |
| 2 | "Чиноз Наврўз Барака Сервис" МЧЖ балансидаги "Наврўз" тўйхонаси, комплекс мажмуаси ичидаги асбоб-ускуналар, техникалар, қурилмалар ва ундаги мол-мулклар (кондиционер, телевизор, стол-стул, иш/чи-ш техникалари ва х.к.). | Чиноз шаҳри "Чиноз дехқон бозори" рўпараси | 150 696 197           |

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 26 август кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Ўқурида қўрсатилган автотранспорт воситалари ва кўчмас мулклар 26 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақририй аукцион савдолари 2010 йилнинг 14 сентябрь кунини бўлиб ўтади.

Янгийўл тумани СИБ томонидан аукцион савдосига Янгийўл тумани, Гулбаҳор қўргони, Матлуботсавдо МЧЖ омборида сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари 2010 йил 10 август кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган тақририй аукцион савдолари қўйилмоқда:

1. 18.02.2009 йилдаги № 5-96/2009-сон ижро варақ асосан "Зил-131" русумли, 1981 йилда и/ч., дав. рақ. 11Q 4034 бўлган автотранспорт воситаси, бош. нархи – 5 721 980 сўм; 2. 18.05.2009 йилдаги № 2-532/2009-сон ижро варақ асосан "УАЗ" русумли, дав. рақ. 795KDM бўлган автотранспорт воситаси, бош. нархи – 979 331 сўм; 3. 05.12.2008 йилдаги қарорига асосан "УАЗ-3151" русумли, 1991 йилда и/ч., дав. рақ. 11C 9508 бўлган автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 228 785

сўм; 4. 27.10.2008 йилдаги қарорига асосан "УАЗ-452" русумли, 1961 йилда и/ч., дав. рақ. 11L 6686 бўлган автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 521 397 сўм; 5. 09.04.2009 йилдаги қарорига асосан "УАЗ-330301" русумли, 1987 йилда и/ч., дав. рақ. 11X 0395 бўлган автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 960 206 сўм; 6. 19.12.2008 йилдаги қарорига асосан "УАЗ-5" русумли, 1979 йилда и/ч., дав. рақ. 11A 2595 бўлган автотранспорт воситаси, бош. нархи – 470 258 сўм; 7. 10.12.2008 йилдаги қарорига асосан "УАЗ-469" русумли, 1984 йилда и/ч., дав. рақамисиз бўлган автотранспорт воситаси, бош. нархи – 364 500 сўм; 8. 19.08.2009 йилдаги қарорига асосан "УАЗ" русумли, и/ч. йили ва дав. рақ. аниқланмаган автотранспорт воситаси, бош. нархи – 934 923 сўм; 9. 26.05.2009 йилдаги қарорига асосан "УАЗ-3303" русумли, 1984 йилда и/ч., дав. рақ. 30S 3822 бўлган автотранспорт воситаси, бош. нархи – 984 037 сўм; 10. 27.02.2009 йилдаги № 2-119-сон ижро варақасига асосан "ГАЗ-33021" русумли, 2000 йилда

и/ч., дав. рақ. XG611SLM бўлган автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 163 794 сўм; 11. 10.04.2009 йилдаги ижро варақасига асосан "2-ПТС-4" русумли и/ч. номаълум, дав. рақамисиз бўлган тиркама воситаси, бош. нархи – 798 253 сўм.

Ушбу савдоларда катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиалининг депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотека банк" Шаёнохтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 812004 тўлашари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокда бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш миқдори савдосида ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-56-61.

Лицензия: DB 001 №0000003.

Бекабадское общество с ограниченной ответственностью "SARBON", в соответствии с протоколом внеочередного общего собрания участников общества от 14 мая 2010 года № 4, ставит в известность всех заинтересованных лиц об уменьшении уставного фонда с 122 862 000 сум до 118 836 000 сумов.

Утерьяную круглую печать ООО "КАШФ" Мирабадского района, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ООО "AGRO FOOD BIZNES SAVDO", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г. Ташкента № 00383

## Спорт Спорт

### КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати биринчи лигасида дастлабки босқич якунланиб, олий лигага бериладиган йўлнамалар учун курашни давом эттирайдиган ўн олти жамоа сараланиди.

Ўзбекистон профессионал футбол лигаси қарорига кўра, бу йил биринчи лигада йигирма тўрт жамоа икки минтақа бўлиниган ҳолда иштирок этмоқда. "Шарк" минтақаси Фарғона, Наманган, Андижон, Тошкент вилояти ва пойтахт жамоаларидан таркиб топган бўлса, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари "Гарб" минтақасида ўзаро куч синашди.

21 июль кунини "Шарк" минтақасида 18-турнинг мuddати кечиктирилган икки учрашув ўтказилди. "Косонсой" футболчилари ўз майдонида "Атласчи" жамоасини (Марғилон) қабул қилиб, 3:3 ҳисобида дуранг ўйнади. Аслида мезбонлар И. Телюков, М. Жамоллов ва Ш. Мамасолиев томонидан киритилган голлар эвазига ғалабага қўл турганди. Бироқ, меҳмонлардан А. Абдуллаев ва Д. Йўлдошев

ҳисобдаги фарқни қисқартирди. Ўйин якунланишига бир неча дақиқа қолганида "Косонсой" вакили И. Нишонов кутилмаганда ўз дарвозасига гол киритиб қўйди. Шахрихонда ўтган баҳсда "Раш-Милк" футболчилари "Чуст-Пахтакор" жамоасини қабул қилиб, 0:3 ҳисобда мағлубиятга учради. Чустликларнинг голларидан икkitаси А. Жўраев, биттаси Х. Маҳмудов ҳисобига ёзилди.

Мазкур икки учрашувдан сўнг биринчи босқич якунланди. "Шарк" ва "Гарб" минтақалари жадвалида кучли саккизликдан жой олган жами ўн олти жамоа иккинчи босқичда олий лиганинг бир жўфт йўлланмаси учун курашни давом эттиради. Ўз минтақасида сўнгги тўрт погонани эгаллаган саккиз жамоа футболчилари эса биринчи лигадаги жойини саклаб қолиш учун рақобатлашади.

**Хозир ТОШХУЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

## ТАНЛОВ


Республика Маънавият-тарғибот маркази ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамкорлигида Олмалиқ шаҳридаги "Кимёгар" маданият саройида "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танловининг вилоят финали босқичи бўлиб ўтди.

### САҲНАДА ҲАҚИҚИЙ ДИЛАКАШЛАР

Худудий саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган беш жамоа – Бўканинг "Бригада", Янгийўлнинг "Дийдор", Алма-Атнинг "Дилкашлар", Бўстонлиқнинг "Дустлар" ва Зангиотанин "1 га 1 = 11" жамоалари ўзаро беллашдилар. Улар таширф, минитюра ва эстрада театри, савол-жавоб, мусикий чиқиш каби шартларни бажаришди. Якуний натижаларга кўра, ғолиблик Олмалиқнинг "Дилкашлар" жамоасига насиб этди. Бўканин "Бригада" ва Янгийўлнинг "Дийдор" жамоалари фарқли иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Тадбир сўнггида ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ,**  
**"Тошкент ҳақиқати"**  
**муҳбири.**



Дунёда яхши таом қўп, биттаси – ёғлиқ палов, Аммо-лекин, бир чети ошпазга ҳам боғлиқ палов... Даврон АХМАД олган сурат.

## ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ!

# «ЧУПАКАБРА»НИНГ ҚОНЛИ ИЗЛАРИ

Қандайдир номаълум маҳлук Украина қишлоқларини алғов-далғов қилмоқда

Шу кунларда бутун мамлакатда даҳшатли шов-шув кезиб юрибди. Нима эканлигини ҳали ҳеч ким билмайдиган антиқа маҳлук хонадонларга бостириб кириб, уй ҳайвонларини ғажиб, ўлдириб кетаяпти. Жумладан, Осмиловичи қишлоғида пайдо бўлган маҳлук жуда кучлиги устига, анчагина ақлли ҳам қўринадди. У хонадонлардан биридаги қўёнхонанинг оғир темир илгирини қўриб ташлаб, катта эшикни эса ошқошмишдан суғуриб олиб, қўёнларни нобуд қилибди.

– Уй ити ёки шимпанзе маймунини узоқ "ўқитиб", илгакларни очигиша ўргатиш мумкин-у, аммо ўрмон йиртқичлари бунга қодир эмас, – дейди Волин вилояти Иваницев тумани ветеринария хизмати бошлигининг муовини Виталий Савиеский.

Қўшн Старая Лишна қишлоғи хонадонларидан биридаги қўёнхонанинг остидagi тешик тахта қоқиб, бекитиб ташланган эди. Маҳлук эса тахталарни бе-малол кўчириб, ичкарига осонгина кирган. Лекин шу-нииси қизиқки, у бирорта қўённи емаган, фақат ўлдириб кетган.

– Агар бу ёввойиашаган ит ёки бўри бўлганида, қўён гўшtidан ҳеч бўлмаса беш кунда бир марта "ов" қилади. "Чупакабра" эса бир жой-нинг ўзида икки ҳафта, ҳатто бир ойда қайта пайдо бўлаяпти. Тулғига оид тахмин ҳам ноўрин. Чунки, бу айёр жонивор қанча ея олса шунча ўлдирсади, мақсадсиз қирғинга рағбатли йўқ.

Украина "чупакабра"си анча йирик маҳлук бўлса керак. Гувохларнинг айтишича, у турган жойида бир сакраб 1,5 метрли девордан

шунга қўнғирган. Қадимнинг узунлиги 1,1 метр. Манман деган очилар ҳам бирор тайинли тахмин айтишга ҳожилик қилаёттилар. Эҳзолик жиҳатдан бу маҳлукни росомаха (сувсарлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон) ва сиртлон деб тахмин қилиш мумкин. Йириклиги, онги ва кўп овқат ейиши жиҳатидан улар "чупакабра"га мос келишади. Аммо росомаха ҳам, сиртлон ҳам бу атрофда яшамайди.


Қўриб чиқишга арзийдиган яна бир тахмин бор: балки бу Чернобил минтақасидан қочиб келган мутант (бегона зот ҳайвонларни ча-тиштиришдан ҳосил бўлган маҳлук)лардир. Чернобил АЭС аварияси таъсирида қиёфаси ўзгарган йиртқич ҳайвонлар мамлакатга тар-қаб кетиши ҳам мумкин, ахир.

Нижоят, Артем Билик эҳтимоли энг кам, аммо ҳисоб-дан чиқармаслик лозим бўлган яна бир тахминни илгари сурмоқда. Бу америкалик физик Хью Эверетт тузган "Кенг тармоқланган олам" гипотезасидир. Яъни бири-бири билан алоқасиз икки олам маъжуд бўлиши, аммо муайян вазиятларда айрим объектлар бир оламдан иккинчисига ўтиши мумкин.

Хуллас, тахминлар кўп, улар ўрганилаётти. Бўёгда эса Украина "чупакабра"сининг хонадонларга ҳужуми ҳам қўлайиб бораётти. Чунки, номаълум маҳлук Винница вилоятида биринчи марта одамга ҳам даф қилди. Хайриятки, бу одам велосипедда бўлгани учун бир амаллаб қочиб қолди. Бўй-нида маҳлукнинг тирноқ излари қолганини ҳисобга ол-маганда, унинг омади бор экан. Бошқа бир жойда маҳлук қўёнхонани вайрон қилиб, қўённинг қўнни суриб ичган, гўштига эса мутлақо тегма-ган.

Хозир ветеринария врач-лари, криминалчилар ва ҳаваскор аномалчилар та-диқот олиб боришаёпти. Улар қўлда маҳлукнинг бир тутам сариқ хуни бор. Тақ-қослама генетик таҳлил тах-минлар доирасини кескин қисқартириши мумкин. Ле-кин "катта фан" ҳозирча чет-да қолаяпти. Балки маҳлук-нинг қўронлари ҳали кам-лик қилаётгандир.

**Хорик матбуоти**  
**материаллари**  
**асосида тайёрланди.**



Украинадаги номаълум маҳлукнинг фотороботи.

## БИЛАСИЗМИ?

Нон "ёши" жиҳатидан Миср эҳромларидан ҳам катта. Қўриқ музейларидан бирида кўрғазмага қўйилган ноннинг ёши 6 минг йилдан ҳам ошадди. Нью-Йорк музейида эса бундан 3400 йил муқаддам ёшлаган нон намоиши этилганди.


Қадимги Грецияда нов-войлар катта ҳурматга эга бўлишган. Римда эса маза-ли нон ёпиш синири билла-диган қўла гладыатордан ўн барабар қиммат турган.

Математикадаги "плюс" ва "минус" белгилари Иоганн Вильданин 1489 йида Лейпцигда нашр этилган арифметика дарс-лигида ишлатилган. Унгача бу белгилар "плюс", "минус" сўзларининг биринчи ҳарф-лари билан белгиланарди.

Тенг, баробар (=) бел-гиси, тахминан 1500 йил-ларда пайдо бўлган. Бирин-чи марта у Кантоннинг "Ге-шихте дер математик" де-ган китобида келтирилган.

## ДАРВОКЕ

# ШИРАСИ ТИЛ ЁРАДИ, АММО...



Ўрта Осиё халқларининг энг севган, дастурхоннинг кўрки, чанковбосди полиз маҳсулотлари тарвуз-қовун-лардир. Одатда улар овқат-дан сўнг дастурхонга торти-лади.

Маълумки, тарвуз ва қовун таркибининг 90 фоизи сувдан иборат. Лекин улар-да қанд микдори баланд бўлганлиги учун қандли ди-абетга чалинган беморлар-га бу маҳсулотлар тавсия қилинмайди.

Бозорларда ҳозирги кун-да турли нав қовун, тарвуз сотилмоқда. Уларни уста-ганча истеъмол қилиш мум-кинми, деган савол туғи-лади.

Баъзида харидор қўзига яхши қўринган, лекин пиш-

маган тарвузларни харид қилиб, касалга чалиниши мумкин. Албатта, полиз маҳсулотларининг одам орга-низмига салбий таъсири-нинг олдини олиш билан шуғулланадиган санитария-эпидемиология хизмати хо-димлари бор. Бозорга ки-риб келаётган қовун, тарвуз-лар зарарсизлигини текши-радиган ходимлар уларнинг таркибини ўрганиб, хулоса сифатида рухсатнома бе-ришлари керак.

Биз катта йўл ёқасида тарвуз сотаётганлардан си-фат сертификати борлиги-ни, савдога тегишли рухсат-номаси бор-йўқлигини сўра-ганимизда уларнинг яри-дан зиёдада бундай ҳужжат йўқлиги маълум бўлди. Шу сабабли аҳолига полиз маҳ-сулотларини тегишли рух-сатнома берилган катта бо-зорлардан харид қилишни тавсия этамиз.

Озиқ-овқат, полиз маҳсу-лотларидан заҳарланиш ёз, куз фаслида қўядади. Саба-би – юқори ҳарорат ва мик-роблар тушган, минерал моддалари меърийдан ба-ланд маҳсулотлар инсонга

кучли таъсир қўрсатади ва ўткир ичак хасталиқларига олиб келади.

Беморнинг бу ҳолатдаги қўриқниш турлича бўлиши мумкин. Қорни қаттиқ оғриб, ичи кетсади, бош оғриги, кўнгил айнаши, қусиш ҳолатлари кузатилади.

Албатта, бу шифокорга мурожаат қилишга мажбур этади. Лекин кўп ҳолларда бунга бефарқ қараш одат бўлиб қолган. Касаллик яхши даволанмаса, унинг кечиси қўзғилиб кетсади, ҳас-талиқ сурункали тус олади.

Албатта, тарвузини истеъ-мол қилишдан олдин, унинг ранги ва хидини текшириб қўриш керак. Агар ок ран-гда ёки ўртаси ок, атрофи қизил бўлса, уни емаган маъул. Қўча-қўйларда ерда уйилган полиз маҳсулотла-рини харид қилишдан олдин уларга давлат санитария-эпидемиология маркази берган рухсатномани сў-рашни унутманг, унинг муҳ-ри, берилган рухсат мudda-ти билан қизиқинг.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,**  
**тиббиёт фанлари**  
**доктори, профессор.**

## ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Асал тушқун қайфиятда уйга кириб келди.

– Ишқилиб бирор ери шикастланмаган бўлсин-да, – ич-ичидан хавотирланди у. – Лекин безорилар ҳам улу-шини олишди. Жаҳоир акамнинг журъдига қойил. Бир ҳамла билан тўрталаси-ни тўрт томонга қувиб сол-ди-я?

Соҳиба эса қўчадан юзи-қўзи қўқариб кириб келган ўғлини қўриб хангу манг бўлиб қолди. "Умрида ҳеч ким билан ёқалашмаган, қўни-қўшнлар ҳам эрклабди, "Жаво – жонга оро", деб эр-қалайдиган ўғли нечук бу ахволга тушдйкин..."

– Ҳа, тинчликни, болам, нима бўлди?

– Қўяверинг, шунақа бўб қолди-да энди. Ойи, сиз кўп ўйланманг. Тузалиб кетади. – Ўйланманг эмиш. Ахво-лингич қара. Ўхшиям қўзинг-га тегмапти. "Кўзнинг эгаси бор", деганлари шу эканда. Илоҳини, бошинг омон бўлсин, болам.

Шу пайт телефон жиринг-лаб қолди-ю, Жаҳоирга жон кирди, гўё... – Ҳа, яхши! Ўзингиз ях-шимисиз? Қўлингиз оғрима-яптими? Йўқ, Мендан хаво-тирланманг. Ҳаммаси жойи-да!

– Ҳа, ким эди у, жуда сен-дан хавотирланадиган? – онанинг овози сал титраб-қочкиди. – Э, тушундим, тушундим. Ўзингча, қахра-монлик кўрсатибсанда, а? Ўша безорилар фақат сен-ларни қўриб қолибди-да. Сал сипороқ кийинганида бу ба-лолар йўқ эди. Эҳ, ҳозирги ёшлар-эй.

– Ойи, нималар деяпсиз. Асал унақа қиз эмас. У йи-гитларнинг ўзи аввал тега-жонлик қилишди. Унинг қўл-дан тортишди.

– Ҳа, болам-а, ишқилиб охири баҳайр бўлсин. Эрта-индин тўйи бўлай деб тур-ган боланинг ахволини қара-нглари?

Соҳиба тўй ҳаракатлари билан анча толйқан бўлса ҳам, Жаҳоирнинг атрофида гирдиқалалак, ҳали у, ҳали бу дорини "суриб кўр" деб қўймади. Айниқса, "бироз бошим оғрипти", деганини эшитиб жони-ҳоли қолмади.

Келмай туриб бу маш-маша, ўйлади у. Ўтган кўни бўлса, бўлгуси келинни кон-цертга олиб тушаман, деб шошиб кетаяпти "Lacetti"-нинг бир қанотини уриб кел-ди.

– Шу қўзга айланишди-ю, ўзгариб қолди, – ўйга-толди она. – Сал бўш қолса теле-фонга ёпишадди, соатлаб га-лашади-я, тавба! Ўзи қўл телефонининг фойдаси кўпу, зарари ҳам аз эмас экан. Одамни меров қилиб қўяди. Айниқса, зағизгондай тинмай

сайрайдиган, икир-чикирла-ригача эринмай сўзлашади-ган ишқибозлар дастидан нафақат телефон, чўнтак ҳам тузди кетади-я...

Шу пайт қайсидир қўшни-нигига тўйга таклифнома ташлаб кетишди-ю, Соҳиба-нинг хаёли бўлинди.

– Ўтиришимни қаранглр. Ахир бугун сарпо-суруқ учун "Отчопар"га боришим керак. Қачон улгураман?!

У телефонда яқин дугона-си Дилбарни қақирди:

– Ўртоқжон, тезроқ кела-қолинг. Оладиган нарсалар анча-мунча.

– Бу матоҳларнинг ҳамма-сини бирданига харид қилиш осонмасу. Олдиндан йиғиб юради-да, она деган.

– Э, ўртоқжон-ей, ийққан-

Бир кўни Соҳибанин ака-си "келин қақирқ қиламан, кудаларингни ҳам айт", деб қолди. Қайнона ўзи қолиб, келини қандай либос кий-шини ўйлаб кетди.

– Бир ҳурлиқ, бир пари-пайкар келинимни қўриб ҳамма ҳавас қилсин...

Меҳмондорчиликка кетар пайти ҳамма тайёр, келин-дан дарак йўқ. Соҳиба ҳай-рон, ўғли ҳам ишга кетган, келиннинг ётоғига бесабаб кириб ўрганмаганлиги учун эшик ортидан қақира бош-лади:

– Асал, ҳой Асало! Бўла-қолинг, кеч қолмайлми...

– Ҳозир ойижон. Мана бўлдим.

Бирор мuddат ўтгач осто-нада пайдо бўлган "парипай-

чи бўлган қайнона Асалнинг уйқудан уйғонишини узоқ кутди. Қараса, ўғли ўзи чой қўйиб, нонушта қилаяпти.

– Ҳа, ўғлим, нима гап? – сўради она ҳайрон бўлиб.

– Ҳеч гап. Асал кеча те-лефонда бўвсига бор гап-ни айтиб йиғлади. Кейин да-даси келиб олиб кетди.

"Қўзим хоҳлаган кийимни киймаса, сенлар билан яша-майди", деди. Тўғри-да ойи, сиз олган сарполар си-зингча зўр, қиммат. Аммо, уларни кийишини мен ҳам хоҳламасдим. Ҳозир ҳамма тор шим, лосина, майка-шорти кияди-ю, сиз бўлсан-гиз..."

Соҳиба ўғлини биринчи марта қўриб тургандек ан-ғрайиб қолди. Қўз олди қо-ронгулашиб, диванга ўтирди. Нима қилишни билмай узоқ ўйлади.

– Эҳ, нима қилиб қўйдим. Ахир, отаси чет элда ишла-ши, онаси бошқа эрга тегиб кетгани-ю, қиз бўвсининг қўлида катта бўлганини бил-гандим-ку?

Йўқ, уни ўзим қайтариб олиб келмасам бўлмайди. Обру кетмасин! Ахир, "яхши гапга илон инидан чиқади", дейишди-ку!

Соҳиба айланиб-ўргилиб келинини олиб келди. Авва-лига буй бермай, фақат май-ка-шортида юрадиган келин аста-аста хонадон муҳитига кўника қўшлади. Бир кўни дарвоза таққиллаб, бир аёл кириб келди. Унга пешвоз чиққан Соҳиба "Здрасти, вам кого?" деди.

– Менга Асал керак, мен унинг онасиман, – деди у. Асал эса уялганидан ерга қаради. Қалта қирқилган сочи оқ-қизил рангда, елка очик, сийналари ярмигача қўриниб турар, қорни-ю бе-лининг шақли тириллаб тур-ган қалта шимдан шундоқ-кича билиниб турган бу аёл-ни Асал "онам" дейишга ҳам ор қилди, у ортига қайрилиб, уйга кириб кетганча, қайтиб чиқмади. Шу-шу Асал очик-сочик кийинмайдиган бўлди.

Бир кўни Жаҳоирнинг ўртоғи ўғил тўйга айтиб кет-ди.

– Ойи, Асал тўйга бора-ман, деб қўймапти. Бола йиғлаб қолади десам, "ойи-жоним борлар" дейди.

– Ҳа, майли, борса-бора-қолсин. Фақат тез келинглр.

– Раҳмат, ойижон! – Асал-нинг кўзлари қақнаб кетди.

– Теъдда келамиз!

Улар кийиниб, тўйга ке-тишар экан, келиннинг ус-тидаги бежирим атлас қўйлаки қўриб Соҳиба бир энтикиб қўйди. Ахир уни атайин келини учун тиктир-ган эди-да. "Ўзингга шукр, ўзингга" дея шивирлаб қўйди у.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

# ОБРУ КЕТМАСИН...

ларим ҳаммаси модадан қол-ган эмиш. Қўзим тушмагур, биззи уялтирмаган, келин сарпосини бошқатдан олиш керак, деб бошимни қотириб юбордим...

Шундай қилиб икки дуго-на ҳар бозор кўнлари ола-чопла сепни тахт қилишди.

Бу ёғи меҳр-оқибатли қариндош-уруғлар ҳам қараб туришмади. "Шавла" кетса кетди-ю, обру кетмади. Ҳам-манинг оғзида Соҳиба қил-ган сарполар. Қайноналикни жойига қўйган Соҳиба келин-га бир аз талабчанроқ бў-лишини оддий ҳол деб ўйла-ди. Келган меҳмонни очик чехра билан қутиб олиш, сак-кизгача ушлаб ётмай эртароқ туриш, айниқса, ошонгани тоза тутиш ҳақида маслаҳат бера бошладди. Бироқ, келин-нинг бўйига, хун-малоҳати-га боқиб ич-ичидан ғурурла-ран, ортидан "қўз тегмасин, илойим", дея дуо қилиб қўярди. Аммо, фазийб кўн-лар узоққа қўзилмади. Ўзича келинлигини ўрнига қўйиб ба-жарайтган Асал хонадоннинг пасту баландига эътибор қилмади. Ўзига кўрсатилаёт-ган меҳр-оқибатни "шундай бўлиши шарт", деб қабул қилди. Ҳамма уни авайла-ши кераклигини биларди-ю, қай-нона-қайнотанинг ҳам ўзига яраша феъли, орзу-ҳаваси бўлишини ўйлаб ҳам қўрма-ди. "Бизниқиди бошқача, бизлар бундай қиламиз", дея қайнонага дарс бера бошла-ди.

кар"ни қўриб Соҳибанин ранги ўчиб кетди.

– Йа, келин бу нима қўри-ниш?!

– Ҳа, нима бўпти?

– Ҳеч нима. Фақат бора-диган жойимиз "дискотека" эмас-да!

– Ойижон, "дискотека"га кийиш учун алоҳида майка, шортиларим бор...

– Йўқ, бугун мен қилган чиройли кофта юбка бору, шунки қия қолинг. Майли, ат-лас қўйлақ, лозим кийинг, демайман.

– Ҳечамда. У кофта-юбка модадан қолган. Уяламан!

– Кимдан уяласиз. У ерда фақат хотин-халаж, кекса онахонлар бўлса...

– Менга қилган матоҳла-рингизни ўзингиз кийинг, мен киймайман.

Соҳибанин қўксига нима-дир чирс этиб ўзиди.

Шу пайт Жаҳоир ишдан келиб қолди-ю, вазият бир оз юмшагандек бўлди.

Онасининг ахволини, ке-линнинг ваҳожатини қўриб гап нимадалигини тушун-ди-ю, хотинига:

– Асал, бор бошқа кийи-мингни кийиб чиқ, – деди. Келин индамай хонасига кириб кетди-ю, шу бўйи икки соатгача чикмай ётиб олди.

Соҳиба яна "обру кетма-син" дея қақирққа ўзи кет-ди. "Келинимнинг тоби йўқ-роқ", деди у сўраганлар-га.

Эртасига келинига ўзича яхши гапириб йўлга солмоқ-